

Ажойиб даво



08:24 / 25.10.2020 1810

Бир одам солиҳлардан бирига: «Аллоҳдан узоқлашиб кетяпман. Бунинг давоси, чораси нима?» деди. Солиҳ киши деди: «Ихлоснинг томири, сабрнинг япроғи, хокисорлик шарбатини олиб, тақво идишига сол. Устидан Аллоҳдан қўрқиш сувини қуйиб, маҳзунлик оловида қайнат. Унга муроқаб (нафсни доимо қатъий назоратда ушлаш) самимиятини қўшиб, ростгўйлик қўли билан тановул қил. Уни истиффор жомиди ичиб, парҳезкорлик билан чайиб ташла. Ўзингни ҳирс, тамадан йироқ тут. Шунда Аллоҳнинг изни билан бу касалликдан қутулсан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан